



Умида ТЕШАБАЕВА,  
Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон  
Миллий кутубхонаси директори ўринбосари

## КИТОБХОНЛИК МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН МУҲИМ ҲУЖЖАТ

*This article highlights the significance of the Presidential Decree of the Republic of Uzbekistan, dated 13th September 2017, "On the Program of complex measures to develop and promote the book literature and literacy promotion» in the evolving of the spirituality and culture of our nation. The author of the article has mentioned about a number of activities and its effectiveness in the National Library of Uzbekistan in order to implement a number of important tasks outlined in the Presidential Decree and to promote the readership.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 13 сентябрда қабул қилинган “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги ПКҚ-3271-сонли қарори халқимиз маънавий дунёсини бойитиш, китобхонлик маданиятининг жамият ҳаётидаги ўрни ва ролини янги bosқичга кўтаришга қаратилган муҳим ҳужжат экани билан аҳамиятлидир.

Қарорда соҳамиз олдида турган масала ва муаммолар, долзарб вазифалар борлиги ва уларни кенг кўламда ҳал қилиш зарурлиги очик-ойдин белгилаб берилди. Айниқса, халқимиз, аввало, ёшларнинг маънавий-маърифий, бадий-эстетик талабларига

мос келадиган китобларни сифатли чоп этиш, жойларга, таълим муассасаларига вақтида ҳамда мақбул нархларда етказиш, миллий ва жаҳон адабиётининг сара намуналарини таржима қилиш, уларни ижтимоий тармоқларда тарғиб этиш, фарзандларимизни болаликдан бошлаб адабиётга ошно этишга алоҳида эътибор қаратилган.

Замонавий технологиялар билан жиҳозланган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 14 та ҳудудлардаги ахборот-кутубхона марказилари ҳамда 12 мингдан зиёд ахборот-кутубхона муассасалари томонидан аҳолига ахборот-кутубхона хизматлари кўрсатиш йўлга қўйилган.

Мамлакатимиз раҳбарининг китоб, китобхонлик маданиятини яхшилаш тўғрисида жон куйдириб гапирётганлари бежиз эмас, албатта. Зеро китоб






билан ошно бўлган, ёшлигидан китоб мутолааси билан шуғулланган боланинг иродаси бақувват, ақли бутун, ватани ва халқига садоқати чексиз бўлади. Китоб мутолаа килиш инсоннинг нафақат фикрини теран, иродасини мустаҳкам қилади, балки хотирасини мустаҳкамлайди, заковат хусусиятлари билан бирга ахлокий, маънавий-рухий фазилатларини шакллантиради, эътиқод ва мақсадга интилиш сифатларини таркиб топтиришга ҳам хизмат қилади.

Кишида мафқуравий иммунитет, оқ-қорани ажрата билиш, дунёқараш, фикрлаш тарзи, воқеа-ҳодисаларга нисбатан нуқтаи назар, ҳаётий позициянинг шаклланиши, тафаккур жараёнининг таркиб топшида китобхонликнинг ўрни бекиёс.

Юртимиздан етишиб чиққан буюк алломалар, мутафаккирлар шоҳ саройларида талаби мақсудлари сўралганда олтин умуш, жавоҳирлар ўрнига сарой кутубхоналаридан фойдаланишни ихтиёр этганлар. Дунёни илм нури билан ларзага солган “Байтул-ҳикма” кутубхонасида ҳам бизнинг аجدодларимиз мутолаа дунёсига ғарқ бўлиб буюк кашфиётлар яратганлар. Китоб миллатнинг маданий мероси сифатида боқийдир.

Ҳозирги глобаллашув даврида «китоб ўқилмаяпти» деган фикрлар қулоғимизга бот-бот чалинапти. Сабаблар кидирилганда эса турли, бир-бирига зид жавоблар чиқиши табиий. Бугунги кунда асосий ахборот телевидение ва интернет орқали олинади. Оммавий ахборот воситаларининг янги турлари пайдо бўлиши натижасида китоб мутолааси бир мунча пасайган бўлиши мумкин, аммо матбуот нашрлари кишиларда китоб мутолаасига қизиқишни кучайтиришга хизмат қилиб келмоқда. Бугун кишилар, айниқса, ёшларнинг кўп китоб ўқимаётганини замона зайлига, уларнинг интернет билан ҳаддан ташқари боғлиқ эканлигига йўйишди. Аммо интернет кишини мутолаадан айирувчи восита эмас. Бу улар учун имкониятлар эшигини янада кенгайтиради. Одамлар орасида “Кўлингга китобни олиб мутолаа қилганингда китобнинг ифори келиб турса бошқача-да, ундан олган ҳузурингни интернет ёрдамида юклаб олган электрон китобдан тополмайсан” – деган фикрдагилар кўп. Буни инкор этмаган ҳолда, шуни айтиш керакки, илмий изланиш олиб бораётган тадқиқотчи учун босмахонадан янги чоп этилган китобни ҳидлаш эмас (муаллиф томонидан ёзилиб, ноширлар томонидан китоб ҳолатига келгунча анча вақт сарф бўлади), балки энг сўнгги маълумотлар билан тезкор танишиб чиқиш муҳимроқдир. Энг асосийси, авваламбор у китобда



нима ёзилгани билан қизиқиш ва унга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Бугунги кунда кутубхона фондларини бадий, маърифий, илмий-оммабоп, маълумотнома нашрлар билан (ўқув қўлланма ва дарсликлар бундан мустасно) тўлдириш учун маблағ ачинарли даражада кам ажратилади, баъзи кутубхоналар бир неча йиллардан бери умуман китоблар билан тўлдирилмаяпти. Кутубхоначи нима қилади? Имкониятидан келиб чиқиб, фондларни тўлдириш йўлини излайди, турли «акция»лар ўтказиш билан чекланади. Таълим муассасаларининг битирувчилари ўқишни тугатиш чоғи кутубхонага китоб совға қилади. Бундай акциялар ёрдамида кутубхоналарга янги китобларнинг келиб тушиши жуда оз миқдорни ташкил қилади. Асосан уйда мавжуд бўлган эски китоблар совға қилинади. Республикада фаолият кўрсатаётган ахборот-кутубхона муассасаларида бунга ўхшаш акциялар, китоб марафонларини ўтказиш янгилик эмас. Кутубхонада ўз фойдаланувчиларини янги китоблар билан таъминлаш тизими тўғри йўлга қўйилмагунга қадар «китоб ўқилмаяпти» дейишимиз, фикри ожизимча, нотўғри. Айни шу масалани тўғри йўлга солишга ҳам Президентимиз қарорларида алоҳида урғу берилган.

Мутолаага қизиқишнинг сусайиши, ўз навбатида аҳоли саводхонлиги даражаси пасайиши жамият ва давлатнинг барқарор ривожланиши учун катта таҳдидлардан саналади. Шунинг учун ҳам кўплаб ривожланган мамлакатларда бу салбий ҳолатнинг олдини олишга йўналтирилган қатъий чора-тадбирлар кўриломоқда. Умуммиллий комплекс дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Масалан, Россияда «Мутолаани қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш миллий дастури» қабул қилинган бўлиб, уни 2007–2020 йил-



ларда, уч босқичда амалга ошириш кўзда тутилган.

Биринчи босқич – 2007–2010 йиллар.

Иккинчи босқич – 2011–2015 йиллар.

Учинчи босқич – 2016–2020 йиллар.

Умуммиллий комплексларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, кутубхоналар, таълим муассасалари, илм-фан, тадбиркорлик субъектлари, соҳадаги фуқаролик жамияти институтлари ва албатта, оммавий ахборот воситалари ишини мувофиқлаштириш бўйича тизимли чора-тадбирлар назарда тутилади. Дунё тажрибасига кўра, бундай мақсадли дастурлар ҳамда концепцияларнинг қабул қилиниши ижобий натижа беради.

Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг қабул қилган қарорлари юзага келган муаммоларни комплекс ҳал қилишга қаратилгани билан эътиборлидир. Шу билан бирга, касбдошларимиз зиммасига жиддий масъулиятлар ҳам юқлаб қўйди. Китоб маҳсулотларини чиқариш ва уларнинг жамият ҳаётида муайян ўрин эгаллашини тартибга солиш жуда кўп муассаса ва ташкилотлар сингари ахборот-кутубхона муассасаларининг ҳам вазифасидир.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан “Infolib Uzbekistan” миллий ахборот-кутубхона ҳафталигини ташкил этиш ва ўтказиш, айнан аҳолини ахборот-кутубхона муассасаларига жалб қилиш, ёшларнинг мутолаага бўлган меҳрини ошириш, уларда мутолаа маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш, фойдаланувчиларни янги наشر қилинган ижтимоий-сиёсий, илмий-маърифий, ўқув ва бадиий адабиётлар билан яқиндан таништириш, кутубхонада кўрсатилаётган турли анъанавий ва интерфаол хизматлар ҳақида маълумот бериш

ҳамда кутубхонада яратилган имкониятларни тарғиб қилишга қаратилгани билан диққатга сазовордир.

Миллий ахборот-кутубхона ҳафталигининг асосий мақсадлари – мутолаани оммалаштириш, ахборот маданияти савиясини кўтариш, ахборот-кутубхона хизматларида Интернет имкониятларидан кенг ва самарали фойдаланишни йўлга қўйишдан иборат эди.

Ҳафталик дастурида 1-кун – “Очиқ эшиклар куни”, 2-кун – “Мутахассис куни”, 3-кун – “Танловлар куни”, 4-кун – “Хорижий тиллар куни”, 5-кун – “Маданий хилма-хилликлар куни” деб номланди. Унинг доирасида 50 дан зиёд турли тадбирлар (давра суҳбатлари, семинарлар, ижодий учрашувлар, тренинглар, маҳорат дарслари, тақдиротлар, танловлар, акциялар ва бошқа) ташкил этилди.

Жумладан, Президентнинг ушбу қарори ижросини таъминлаш мақсадида республика ахборот-кутубхона соҳаси вакиллари иштирокида давра суҳбати ўтказилди. Унда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини такомиллаштириш ҳамда ахборот-кутубхона фаолияти соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи этиб белгиланганлиги ва соҳада ягона сиёсатни таъминлаш борасида масъул эканлиги таъкидланди ҳамда ахборот-кутубхона соҳаси ривожининг бир қатор муаммо ва вазифалари муҳокама қилинди. Ахборот-кутубхона муассасалари фондларини тўлдиришдаги қийинчиликлар, ахборот-кутубхона муассасаларининг ривожланиш суръати, ҳудудларда китоб меросини сақлашда ахборот-кутубхона марказларининг роли, замонавий ижтимоий ҳамкорликнинг таркибий

қисми сифатида кутубхона шериклиги, кутубхоналарни қайта қуриш ва ресурсларни рақамли форматларда сақлаш ва бошқа масалалар хусусида сўз юритилди.

Ҳафталик доирасида, қарорда белгилаб ўтилганидек, ахборот-кутубхона муассасалари ходимлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида, “Ахборот-кутубхона муассасасининг энг яхши мутахассиси” номинацияси учун миллий касбий танлови ўтказилди.

Танлов республика ахборот-кутубхона муассасалари мутахассисларининг касбий фазилатларини, ижодий салоҳиятини, ишбилармонлик фаоллигини намоён қилиш,





ишга бўлган ижодий ёндашувни, ахборот-кутубхона фаолияти, унинг фонди ва хизматларини тарғиб қилишнинг янги шакллари ва усулларини излашни рағбатлантириш, илғор иш тажрибасини оммалаштириш, республика ахборот-кутубхона иши ривожланишига кўмаклашиш каби вазифаларни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Унда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ахборот-кутубхона марказлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ахборот-ресурс марказлари, Маданият вазирлиги кутубхоналари мутахассислари иштирок этдилар.

Танлов 4 шартдан иборат бўлиб, якуний натижаларга кўра Тошкент шаҳар ахборот-кутубхона маркази ғолиб деб топилди. Иккинчи ўринни Бухоро вилояти, учинчи ўринни Навоий вилояти АКМлари жамоаси қўлга киритди.

Шунингдек, ижтимоий фаол ёшларни қўнгилчилар ҳаракатига жалб этиш, кутубхоначи ва тарғиботчилар орасида турли танловлар, ахборот-кутубхона муассасаларида “Китобхонлар клуби”ни ташкил қилиш бўйича қўшма қарор ишлаб чиқилди ҳамда

тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилди. Унда “Китобхонлар клуби”нинг Низоми, эмблемаси, иш режаси тасдиқланди.

Клубнинг асосий мақсади – аҳоли, хусусан, ёшларнинг шахс маданияти шаклланиши, шахснинг ижодий ўсиши, бўш вақтини мазмунли ўтказишнинг манбаси сифатида бадий хижатдан юксак миллий ва жаҳон мумтоз адабиётларини мутолаа қилишга қизиқтириш, эътиборини жалб қилиш, китобхонлик маданиятини шакллантириш ва ошириш, чет тилларини ўргатиш ва оммалаштириш ҳамда аҳолининг кам мутолаа қиладиган гуруҳлари орасида турли шакл ва воситалар билан китобни тарғиб қилишдан иборат.

Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг мазкур қарорлари соҳамизда бизни ташвишлантираётган айрим масалаларни чуқур танқидий таҳлил қилиш, саволларимизга жавоб топиш, бу борадаги муаммолар ечимини топишга кенг йўл очиб берди. Шу нуқтаи назардан биз – барча кутубхоначиларнинг олдимизда жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган масала, яъни китобхонликни кенг тарғиб қилиш ва ёшларимизнинг мутолаа маданиятини оширишга қаратилган ишларни янги босқичга олиб чиқиш вазифаси турибди.